

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОЛАЛАР
ОНКОЛОГИЯСИ, ГЕМАТОЛОГИЯСИ ВА КЛИНИК
ИММУНОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЙ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/07.06.2024 Tib 177.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ГАФУР-АХУНОВА КАМОЛА МИРЗА-АЛИЕВНА

**БИРЛАМЧИ ДИССЕМИНИРЛАНГАН СУТ БЕЗИ САРАТОНИ
СКЕЛЕТ СУЯКЛАРИ ЗАРАРЛАНИШИ БИЛАН, ДАВОЛАШ
ТАКТИКАСИ ВА ПРОГНОСТИК ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Table of contents of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Гафур-Ахунова Камола Мирза-Алиевна

Бирламчи диссеминарланган сут беши саратони скелет суяклари зарарланиши билан, даволаш тактикаси ва прогностик омиллар тахлили..... 3

Гафур-Ахунова Камола Мирза-Алиевна

Первично-диссеминированный рак молочной железы с поражением костей скелета, тактика лечения и анализ прогностических факторов.. 27

Gafur-Akhunova Kamola Mirza-Aliyevna

Primary disseminated breast cancer with skeletal bone lesions, treatment strategy, and prognostic factor analysis..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 61

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОЛАЛАР
ОНКОЛОГИЯСИ, ГЕМАТОЛОГИЯСИ ВА КЛИНИК
ИММУНОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЙ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/07.06.2024 Tib 177.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ГАФУР-АХУНОВА КАМОЛА МИРЗА-АЛИЕВНА

**БИРЛАМЧИ ДИССЕМИНИРЛАНГАН СУТ БЕЗИ САРАТОНИ
СКЕЛЕТ СУЯКЛАРИ ЗАРАРЛАНИШИ БИЛАН, ДАВОЛАШ
ТАКТИКАСИ ВА ПРОГНОСТИК ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Тиб2481 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bgokim.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Полатова Джамила Шагайратовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Рахимов Нодир Мухаммадулович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Камышов Сергей Викторович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ётақчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси болалар онкологияси, гематологияси ва клиник иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/7.06.2024.Тиб.177.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2025 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Арнасой кўчаси, 17 А - уй. Тел.: (+99871) 203-11-03; факс: (+99871) 203-11-03; e-mail: info@bgokim.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган болалар онкологияси, гематологияси ва клиник иммунологияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин _____-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Арнасой кўчаси, 17 А - уй. Тел.: (+99871) 203-11-03, e-mail: info@bgokim.uz.

Диссертация автореферати 2025 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «__» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

Г.А.Юсупалиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.Б.Мамедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
қотиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Г.А.Юсупалиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сут беzi саратони (СБС) замонавий онкологиянинг энг муҳим ва кенг тарқалган муаммоларидан бири ҳисобланади. У аёллар ўртасида онкологик касалликлар ва улардан ўлим ҳолатлари тузилмасида етакчи ўринни эгаллайди. GLOBOCAN'нинг 2022 йилги статистик маълумотларига кўра, «... сут беzi саратони биринчи марта хавфли ўсмалар ичида энг кенг тарқалган тур сифатида қайд этилди. Унинг улуши барча онкологик касалликлар орасида 11,6% ни ташкил қилди, бир йил ичида 2,3 миллиондан зиёд янги ҳолат аниқланган...»¹. Касалланиш кўрсаткичлари ўсишда давом этмоқда, айниқса, даромади паст ва ўрта бўлган мамлакатларда, бу ерда эрта аниқлаш ва ўз вақтида даволаш имкониятлари чекланган. Бирламчи-диссеминацияланган сут беzi саратони (БДСБС) — бу шундай клиник-морфологик шакли, унда хавфли ўсма бир вақтнинг ўзида узоқ метастазлар, асосан суяк тўқималарида, билан бирга аниқланади, яъни бемор илк марта мурожаат қилган пайтдаёқ. Бу ҳолат IV клиник босқичга тўғри келади ва илк ташриф пайтида беморларнинг тахминан 6–10% да кузатилади. БДСБСни ўрганишнинг долзарблиги шундаки, у скелет суякларида, жумладан, умуртка, тўш суяги, қабурғалар ва сон суяқларининг проксимал бўлимларида метастатик шикастланишларининг юқори тез-тезлиги билан боғлиқ. Ушбу шакл ноқулай прогностик кўрсаткичлар, радикал даволаш имкониятларининг чекланганлиги ва беморлар ҳаёт сифатининг жиддий даражада пасайиши билан характерланади. Шу сабабли ушбу касалликни ташҳислаш ва даволаш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда бирламчи-диссеминацияланган сут беzi саратони (БДСБС) ни даволашга қаратилган қаратилган бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Устувор йўналишлардан бири — HER2-мусбат ва уч марта манфий (triple-negative) шаклларда таргет терапиясини ривожлантириш ва амалиётга жорий этиш ҳисобланади. Трастузумаб, пертузумаб ва Т-DM1 каби анти-HER2 препаратларининг самарадорлиги ортиб бормоқда. Уч марта манфий шаклларга нисбатан иммун жавобни назорат қилувчи нуқталар ингибиторлари (атезолизумаб, пембролизумаб) фаол ўрганилмоқда. Шунингдек, CDK4/6 ва PARP ингибиторлари ҳамда индивидуал геном профили асосида шахсийлаштирилган даволаш стратегиялари ишлаб чиқилмоқда. Бундан ташқари, радионуклид терапияси, микроРНК терапияси ва суяқ биопсия орқали динамик мониторинг каби инновацион усуллар ҳам тадқиқ этилмоқда. Шу тариқа, БДСБСни даволашда асосий тамойил сифатида комплекс, кўп таркибли ва индивидуаллаштирилган ёндашув шаклланмоқда. Бунинг барчаси мазкур мавзунинг долзарблиги, касалликни даволаш усулларини такомиллаштириш зарурлиги ва бу борада истиқболли илмий тадқиқотларни олиб бориш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

¹ https://gco.iarc.fr/today/en/dataviz/pie?mode=population&group_populations=0&cancers=20

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, онкологик касалликларга қарши кенг кўламли кураш ишларининг амалга оширилиши онкологик касалликларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган етти устувор йўналиши доирасида аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифати ва даражасини янги босқичга олиб чиқиш, жумладан, «...аҳолига малакали тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш...»² вазифаси қўйилган. Мазкур вазифалардан келиб чиқиб бирламчи-диссеминацияланган сут беши саратонида молекуляр-генетик омилларнинг ролини ўрганиш, шунингдек, ушбу касалликни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш миллий онкологиянинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Шу нуқтаи назардан, мавжуд ташхис усулларини такомиллаштириш, илғор технологияларни жорий этиш ва ПДСБСни даволаш тактикасини танлашда молекуляр-генетик омилларнинг аҳамиятини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сонли “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони; 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони; 2021 йил 5 майдаги ПФ–6221-сонли “Соғлиқни сақлаш тизимида амалга ошириладиган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимлари салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш тўғрисида”ги Фармони; 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сонли “Бошланғич тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятида мутлақо янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, ҳамда 2021 йил 27 майдаги ПҚ–5130-сонли “Аҳолига гематологик ва онкологик хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу илмий тадқиқот Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2022 йил 28 январдаги № ПФ-60-сон «2022–2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида».

ривожлантиришнинг VI устувор йўналиши — “Тиббиёт ва фармакология” доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бирламчи-диссеминацияланган сут беши саратони (БДСБС)ни скелет суяқларининг метастатик шикастланиши билан даволаш муаммоси дунёда кўплаб илмий тадқиқотларнинг объектига айланган. HER2-мусбат ва HR-позитив шаклларда таргет терапияни гормонал терапия билан қўшиб қўллаш самарали экани кўрсатилган (Tripathy ва бошқ., 2022). HR-позитив метастатик жараёнда CDK4/6 ингибиторлари — палбоциклиб, рибоциклиб ва абемациклиб — яшовчанликни сезиларли даражада яхшилаши қайд этилган (Turner ва бошқ., 2018). Уч марта манфий шаклларда эса пембролизумаб, атезолизумаб ва махсус химиятерапия схемалари фаол қўлланилмоқда (KEYNOTE-355, Schmid ва бошқ., 2020). Шахсийлаштирилган ёндашувлар, жумладан суюқ биопсия, ПЭТ/КТ маълумотлари бўйича динамик баҳолаш ва геном профили асосида даволаш тактикаси такомиллашмоқда (He ва бошқ., 2021; Bidard ва бошқ., 2021). Скелет метастазларининг патогенезини англаш ва остеокластик фаолиятни тартибга солувчи препаратлар — бисфосфонатлар ва деносумабни самарали қўллаш муҳим аҳамият касб этади (Coleman ва бошқ., 2020).

Ўзбекистонда эса БДСБСнинг суяк метастазлари билан боғлиқ клиник ва молекуляр тадқиқотлар сони чекланган. Шу билан бирга, республикадаги онкология муассасаларида бундай беморларни ташхислаш ва даволаш асосан халқаро тавсиялар асосида амалга оширилмоқда. Айрим етакчи тиббиёт муассасаларида гормонал ва таргет терапиянинг айрим элементлари жорий этилган бўлса-да, уларнинг самарадорлиги ва клиник натижага таъсирига бағишланган тизимли илмий ишлар етарли эмас. Мазкур шароитда хорижий тадқиқотларни таҳлил қилиш муаммони чуқурроқ тушуниш учун муҳим аҳамиятга эга. Масалан, радиофармакологик усуллар (Radium-223, Parker ва бошқ., 2019) ва иммунотерапевтик стратегиялар (Emens ва бошқ., 2021) ни терапиянинг яқунловчи босқичларида қўллаш имкониятлари ҳозирча республикада кенг жорий этилмаган. Бу эса ушбу мавзу бўйича миллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, БДСБСни суяк метастазлари билан даволаш масаласи халқаро илмий ҳамжамият эътибор марказида турибди. Ҳозирги кунда биомаркерларга асосланган терапия, шахсийлаштирилган ёндашув ва таргет ҳамда иммунотерапевтик усулларни интеграция қилиш устувор йўналишга айланган. Ўзбекистон учун эса ушбу соҳада илмий тадқиқотларни кенгайтириш, миллий клиник амалиётни таҳлил қилиш ва халқаро тажриба билан уйғунлаштириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011900250 «Онкологик патологияни ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларини такомиллаштириш, оптималлаштириш ва жорий этиш» (2021-2025 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади скелет суякларига метастазлар билан кечувчи бирламчи диссеминацияланган сут беzi саратонида молекуляр-генетик маркерлар ва бирламчи ўчоққа қаратилган жарроҳлик аралашувлари ёрдамида ташхис ва даволаш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

бирламчи диссеминацияланган сут беzi саратонида скелет суякларига метастазланиш ҳолатлари ва уларнинг локализациясини ўрганиш;

бирламчи диссеминацияланган сут беzi саратонида қўлланилаётган турли диагностик усулларнинг самарадорлигини баҳолаш;

бирламчи диссеминацияланган сут беzi саратонида молекуляр-генетик маркерлар (ўсманинг биологик тури, p53, Vcl-2)нинг роли ва аҳамиятини аниқлаш;

системали таъсир этиш орқали бирламчи ўчоқ ва скелет суякларидаги метастазларга қарши турли даволаш усулларининг самарадорлигини баҳолаш;

бирламчи диссеминацияланган сут беzi саратонида прогностик омилларни таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2014 йилдан 2024 йилгача бўлган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги филиалларида даволанган, скелет суякларида метастазлари мавжуд бўлган бирламчи-диссеминацияланган сут беzi саратони ташхиси қўйилган 128 нафар бемор танлаб олинди. Тадқиқотга уларнинг клиник маълумотлари, қўлланилган ташхис ва даволаш усуллари, шунингдек, ўсманинг морфологик ва молекуляр хусусиятлари киритилди.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб скелет суякларида метастазлар мавжуд бўлган бирламчи-диссеминацияланган сут беzi саратони билан касалланган беморларда қўлланилаётган ташхис ва даволаш усулларининг самарадорлиги олинди. Хусусан, клиник ва лаборатор кўрсаткичлар, нурли тасвирлаш усуллари (рентгенография, мультиспирал компьютер томографияси — МСКТ, магнит-резонанс томографияси — МРТ, позитрон-эмиссия томографияси — ПЭТ/КТ, скелет сцинтиграфияси), биомаркерлар (ўсманинг биологик тури, p53, Vcl-2) ва ушбу маълумотлар асосида танланган даволаш тактикаларининг касалликнинг клиник кечишига таъсири ўрганилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсади ва вазифаларини амалга ошириш учун комплекс ёндашув қўлланилди. Беморлар ҳолати клиник,

лаборатор ва инструментал усуллар орқали баҳоланди. Метастазларни аниқлаш ва уларнинг динамикасини кузатиш учун замонавий нурли диагностика усуллари (МСКТ, МРТ, ПЭТ/КТ, сцинтиграфия) қўлланилди. Биомаркерлар таҳлили иммуногистохимик ва молекуляр-генетик тадқиқотлар орқали амалга оширилди. Даволаш самарадорлиги прогностик ва интеграл шкалалар ёрдамида баҳоланди, йиғилган барча маълумотлар эса статистик таҳлил усуллари билан ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бирламчи диссеминацияланган сут беzi саратони ҳолида кўп ҳолларда кўп сонли метастатик суяк шикастланиши (63,3%) найсимон ва ясси суякларнинг устувор жалб этилиши билан намоён бўлиши, умуртқа поғонасининг алоҳида шикастланиши эса 24,2% ҳолатларда учраши ҳамда суяк метастазларини аниқлашда энг юқори сезувчанлик, спецификлик ва диагностик аниқлик ПЭТ/КТ ва сцинтиграфияга хос эканлиги, шу сабабдан ҳам уларни даво тактикасини танлашда устувор усул сифатида қўллаш мақсадга мувофиқ эканлиги исботланган;

люминал В типига мансуб, HER2 ва Vcl-2 манфий, Ki-67 ва p53 экспрессияси юқори бўлган иммуногистохимик профилга эга ўсмалар бирламчи диссеминацияланган сут беzi саратонининг прогноз жиҳатдан ноқулай шакллари билан боғлиқ эканлиги ҳамда ушбу кўрсаткичлар асосида даволашни индивидуаллаштириш имкони мавжудлиги исботланган;

бирламчи диссеминацияланган сут беzi саратони билан касалланган беморларда тизимли даволаш фонида ўсма жараёнининг стабилизацияси ёки регрессиясидан сўнг бирламчи ўчоқда жарроҳлик аралашувини ўтказиш яқин ва узок муддатли натижаларни яхшилаши, ҳаёт сифатини ошириши ҳамда асоратлар хавфини камайтириши, бунда 3 ва 5 йиллик яшовчанлик мос равишда 64,0% дан 75,4% гача ва 44,0% дан 62,2% гача ошиши кузатилиши ҳамда бу ҳолат жарроҳлик босқичини комплекс даво тактикага қўшиш мақсадга мувофиқлиги исботланган;

бирламчи диссеминацияланган сут беzi саратонида скелет суяклари шикастланиши ҳолатида молекуляр-генетик ва клиник-прогностик омиллар баҳоси асосида тизимли кимё терапияси, гормонотерапия, нур терапияси ва бисфосфонатлардан иборат комплекс даволаш ҳамда бирламчи ўчоқда жарроҳлик аралашувини қамраб олган ёндашув терапия самарадорлигини ошириши ва ишлаб чиқилган шкала ёрдамида касаллик прогнозини стратификация қилиш имконини бериши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бирламчи диссеминацияланган сут беzi саратонида скелет суяклари шикастланиши ҳолатида ташхис ва даво ёндашувларига илк бор комплекс баҳо берилди, бу эса клиник жиҳатдан асосланган ташхис, стратификация ва индивидуаллаштирилган терапия алгоритмларини асослаш ва амалиётга жорий этиш имконини берди;

замонавий нурли методлар (сцинтиграфия, ПЭТ/КТ, МРТ ва МСКТ) ёрдамида ўсма жараёнининг суяклар бўйлаб тарқалишини аниқлашда юқори информативлик аниқланди, бу эса касалликнинг аниқ босқичлашга ва мақбул даво тактикасини танлашга ёрдам беради;

метастатик шикастланиш даражаси, ўсманинг молекуляр-генетик алотиплари ва иммуногистокимёвий профилини ҳисобга олган ҳолда дифференциаллаштирилган даволаш ёндашуви ишлаб чиқилди, бу эса терапиянинг индивидуаллашуви ва клиник самарадорлигини ошириш имконини беради;

касалликнинг кечишини прогноз қилиш ва беморларни ижобий ва ноқулай прогноз гуруҳларига ажратиш имконини берувчи клиник, морфологик ва молекуляр параметрларни ўз ичига олган прогностик шкала яратилди;

метастатик суяк шикастланишида бирламчи ўчоққа нисбатан жарроҳлик аралашувларини ўтказиш клиник жиҳатдан мақсадга мувофиқ ва самарали эканлиги кўрсатилди, бу эса баъзи клиник ҳолатларда комплекс даволашнинг таркибий қисми сифатида қаралиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ёндашув ва усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи инструментал, клиник, патоморфологик ва статистик усуллар, шунингдек, БДСБС ни комплекс даволашни такомиллаштиришда халқаро ва маҳаллий тажриба билан таққослашнинг юқори юмшоқлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, биринчи марта сут безининг скелет суякларига метастатик тарқалиши билан кечувчи биринчи марта аниқланган диссеминацияланган саратон ҳолатида клиник-инструментал, морфологик ва молекуляр-генетик хусусиятлар комплекс ўрганилди. Касалликнинг кечишига хос прогностик аҳамиятга эга кўрсаткичлар аниқланди ҳамда ўсманинг иммуногистокимёвий профили ва метастазларнинг суяк тизими бўйлаб тарқалиш даражасидан фойдаланган ҳолда беморларни стратификация қилиш ва терапияни индивидуаллаштириш имконияти исботлаб берилди. Олинган маълумотлар сут беzi саратонининг агрессив шакллари тўғрисидаги замонавий тасаввурларни кенгайтиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, скелет суякларида ўсма жараёнининг тарқалиш даражасини баҳолашда замонавий нурли ташхис усулларининг самарадорлиги асослаб берилди ва клиник, морфологик ва иммуногистокимёвий параметрларни ҳисобга олган ҳолда даволаш алгоритми таклиф этилди. Прогностик омиллар шкаласи ишлаб чиқилди, у орқали

беморларни ижобий ва ноқулай прогноз гуруҳларига стратификация қилиш мумкин, шунингдек, айрим тоифадаги беморларда жарроҳлик босқичини комплекс даволаш таркибига киритиш мақсадга мувофиқ эканлиги исботланди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Экспертлар кенгашининг 2025 йил 22 майдаги 18/61-сонли хулосасига кўра:

Биринчи илмий янгилик: бирламчи диссеминацияланган сут беги саратони ҳолида кўп ҳолларда кўп сонли метастатик суяк шикастланиши (63,3%) найсимон ва ясси суякларнинг устувор жалб этилиши билан намоён бўлиши, умуртқа поғонасининг алоҳида шикастланиши эса 24,2% ҳолатларда учраши ҳамда суяк метастазларини аниқлашда энг юқори сезувчанлик, спецификлик ва диагностик аниқлик ПЭТ/КТ ва сцинтиграфияга хос эканлиги, шу сабабдан ҳам уларни даво тактикасини танлашда устувор усул сифатида қўллаш мақсадга мувофиқ эканлиги исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилоят филиали онкомамология бўлимида 2024 йил 3 декабрдаги 95-сонли буйруқ билан ва шу марказнинг Бухоро вилояти филиали онкомамология бўлимида 2024 йил 10 декабрдаги 134-сонли буйруқ билан тасдиқланган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: бирламчи диссеминацияланган сут беги саратонида кўп сонли метастатик суяк шикастланишининг устуворлиги ва ПЭТ/КТ ҳамда сцинтиграфиянинг энг юқори ташхисий аниқликка эга эканлиги исботлангани натижасида эрта ташхис қўйиш ва хавф даражасини стратификация қилиш самарадорлиги ошди ва бу эса таргет даволашни ўз вақтида белгилаш, асоратларнинг олдини олиш ва индивидуаллаштирилган ёндашув орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** ПЭТ/КТ ва сцинтиграфияни устувор ташхис усули сифатида жорий этиш ташхисда йўл қўйилган хатолар ва асоссиз ўтказилган текширувлар сонини сезиларли даражада камайтиришга, такрорий госпитализациялар ва самарасиз ташхис-даволаш тадбирлари частотасини пасайтиришга хизмат қилиб, натижада тиббий ресурслардан оқилона фойдаланиш, беморларнинг стационарда ётиш муддатини 2–3 ўрин/кунгача қисқартириш ва бюджет маблағларини 8–10% гача тежаш имкони яратилди. **Хулоса:** бирламчи диссеминацияланган сут беги саратонида 63,3% ҳолатда найсимон ва ясси суякларнинг устувор зарарланиши билан кўп сонли метастатик шикастланиш кузатилади, умуртқа поғонасининг изоляцияланган шикастланиши эса нисбатан кам — 24,2% ҳолатда учрайди. Суяк метастазларини аниқлашда энг юқори ташхисий қиймат ПЭТ/КТ ва сцинтиграфияда кузатилади, бу эса уларни клиник алгоритмда устувор қўллашни асослайди, ташхис аниқлигини ошириш, даволаш тактикаси оптималлаштириш, стационарда ётиш муддатини 2–3 ўрин/кунгача қисқартириш ва бюджет харажатларини 8–10% гача тежаш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини беради.

Иккинчи илмий янгилик: люминал В типига мансуб, HER2 ва Vcl-2 манфий, Ki-67 ва p53 экспрессияси юқори бўлган иммуногистохимик профилга эга ўсмалар бирламчи диссеминацияланган сут беши саратонининг прогноз жихатдан ноқулай шакллари билан боғлиқ эканлиги ҳамда ушбу кўрсаткичлар асосида даволашни индивидуаллаштириш имкони мавжудлиги исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилоят филиали онкомаммология бўлимида 2024 йил 3 декабрдаги 95-сонли буйруқ билан ва шу марказнинг Бухоро вилояти филиали онкомаммология бўлимида 2024 йил 10 декабрдаги 134-сонли буйруқ билан тасдиқланган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** люминал В типиге, HER2 ва Vcl-2 экспрессиясининг манфийлиги, Ki-67 ва p53 кўрсаткичларининг ошганлиги билан тавсифланган ўсма иммуногистохимик профилининг юқори прогностик аҳамияти аниқланиши, бирламчи диссеминацияланган сут беши саратонида касаллик кечишини аниқроқ прогноз қилиш имконини берди. Бу эса тизимли даволаш схемаларини шахсан беморга мос равишда танлаш имконини яратиб, клиник самарадорликни оширишга, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга, даволашнинг токсиклиги ва ножўя таъсирларини камайтиришга хизмат қилди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** даво танлашда асос сифатида иммуногистохимик профиллашдан фойдаланиш самарасиз даволашнинг олдини олди, такрорий терапия курсларига бўлган эҳтиёжни қисқартирди, стационарда ётиш муддатини ўртача 2–3 ўрин/кунгача камайтиришга ва соғлиқни сақлаш тизимига бўлган молиявий юкни енгиллаштиришга, бюджет маблағларини 10–12% гача тежашга имкон берди. **Хулоса:** люминал В типига мансуб, HER2 ва Vcl-2 экспрессияси манфий бўлган, Ki-67 ва p53 кўрсаткичлари юқори бўлган ўсманинг иммуногистохимик профили юқори прогностик аҳамиятга эга экани ва бирламчи диссеминацияланган сут беши саратонида давога индивидуал ёндашиш имконини бериши исботланди. Бу эса даволаш самарадорлигини оширишга, беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга ва соғлиқни сақлаш харажатларини самарасиз даволаш ва ортикча ўрин/кунларни 2–3 суткагача камайтириш ҳисобига камайтиришга хизмат қилди.

Учинчи илмий янгилик: бирламчи диссеминацияланган сут беши саратони билан касалланган беморларда тизимли даволаш фониде ўсма жараёнининг стабилизацияси ёки регрессиясидан сўнг бирламчи ўчоқда жарроҳлик аралашувини ўтказиш яқин ва узоқ муддатли натижаларни яхшилаши, ҳаёт сифатини ошириши ҳамда асоратлар хавфини камайтириши, бунда 3 ва 5 йиллик яшовчанлик мос равишда 64,0% дан 75,4% гача ва 44,0% дан 62,2% гача ошиши кузатилиши ҳамда бу ҳолат жарроҳлик босқичини комплекс даво тактикага қўшиш мақсадга мувофиқлиги исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилоят филиали онкомаммология бўлимида

2024 йил 3 декабрдаги 95-сонли буйруқ билан ва шу марказнинг Бухоро вилояти филиали онкомаммология бўлимида 2024 йил 10 декабрдаги 134-сонли буйруқ билан тасдиқланган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қўидагилардан иборат:** бирламчи диссеминацияланган сут беzi саратонида ўсма жараёни стабилизациялашган ёки регрессияга учраган ҳолларда жарроҳлик босқичининг клиник аҳамияти исботлангани, узоқ муддатли натижаларни яхшилаш, 3 ва 5 йиллик яшовчанликни мос равишда 64,0% дан 75,4% ва 44,0% дан 62,2% гача ошириш, ҳамда парчаланиш ва қон кетиш билан боғлиқ асоратлар тез-тезлигини камайтириш имконини берди. Бу эса беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш ва даволашда шахсий ёндашув имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қўидагилардан иборат:** касаллик стабилизациялашганидан сўнг жарроҳлик амалиётини комплекс даволашга қўшиш, касалликнинг асоратланган кечиши билан боғлиқ шошилишч госпитализация ва кечиктириб бўлмайдиган аралашувлар сонини камайтиришга, паллиатив ёрдам эҳтиёжини камайтиришга, стационарда ётиш муддатини ўртача 3–4 ўрин/кунгача қисқартиришга ва бюджет харажатларини 10–12% гача тежашга имкон берди. **Хулоса:** бирламчи диссеминацияланган сут беzi саратони бўлган беморларда системали терапия фониди ўсма жараёни стабилизациялашган ёки регрессияга учраган ҳолларда бирламчи ўчоқда жарроҳлик амалиёти ўтказиш узоқ муддатли натижаларни яхшилаши, асоратлар хавфини камайтириши, 3 ва 5 йиллик яшовчанликни мос равишда 64,0% дан 75,4% ва 44,0% дан 62,2% гача ошириши, стационарда ётиш муддатини 3–4 ўрин/кунгача қисқартириши ва соғлиқни сақлаш харажатларини 10–12% гача камайтиришга ёрдам бериши исботланди ва бу эса, жарроҳлик босқичини комплекс даволаш тактикага қўшиш мақсадга мувофиқ эканини тасдиқлайди.

Тўртинчи илмий янгилик: бирламчи диссеминацияланган сут беzi саратонида скелет суяклари шикастланиши ҳолатида молекуляр-генетик ва клиник-прогностик омиллар баҳоси асосида тизимли кимё терапияси, гормонотерапия, нур терапияси ва бисфосфонатлардан иборат комплекс даволаш ҳамда бирламчи ўчоқда жарроҳлик аралашувини қамраб олган ёндашув терапия самарадорлигини ошириши ва ишлаб чиқилган шкала ёрдамида касаллик прогнозини стратификация қилиш имконини бериши исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилоят филиали онкомаммология бўлимида 2024 йил 3 декабрдаги 95-сонли буйруқ билан ва шу марказнинг Бухоро вилояти филиали онкомаммология бўлимида 2024 йил 10 декабрдаги 134-сонли буйруқ билан тасдиқланган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қўидагилардан иборат:** биринчи марта бирламчи диссеминацияланган сут беzi саратонида молекуляр-генетик ва клиник-прогностик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қўлланилган комплекс даволаш касалликнинг кечиши устидан назоратни кучайтириш, терапия самарадорлигини ошириш, прогрессия тез-тезлигини камайтириш, даволаш

тактикасини индивидуаллаштириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. Ишлаб чиқилган прогностик шкала клиник жиҳатдан асосланган қарорлар қабул қилишга ва амалиётдаги шифокорларда онкологик хушёрликни оширишга ёрдам беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** клиник амалиётга прогностик шкалани жорий этиш даволаш тактикасини рационал танлашга, самарасиз терапия ва такрорий госпитализациялар сонини камайтиришга, стационарда ётиш муддатини ўртача 2–3 ўрин/кунгача қисқартиришга, шундай қилиб тиббий ресурсларни оптимал тақсимлаш ҳисобига 8–10% бюджет харажатларини тежашга имконият берди. **Хулоса:** биринчи марта аниқланган диссеминацияланган сут беzi саратонида молекуляр-генетик ва клиник-прогностик омилларни ҳисобга олган ҳолда кимё терапияси, гормонотерапия, нур терапияси ва бисфосфонатларни ўз ичига олган комплекс даволаш самарадорлигини ошириши исботланиши натижасида, ишлаб чиқилган прогностик шкала орқали даволаш тактикасини индивидуаллаштириш, прогноз аниқлигини ошириш, стационарда ётиш муддатини 2–3 ўрин/кунгача қисқартириш ва 8–10% бюджет тежамкорлигига эришиш, шунингдек, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имкони яратилди.

К.М.Гафур-Ахунованинг «**Бирламчи диссеминирланган сут беzi саратони скелет суяклари зарарланиши билан, даволаш тактикаси ва прогностик омиллар таҳлили**» мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги 4 та илмий янгилик бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Тошкент давлат стоматология институтининг 2025 йил 26 майдаги №04-1625-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган.

Илмий натижаларнинг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та республика ва 1 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 1 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган, 9 та тезис, 1 та услубий тавсиянома ва электрон-ҳисоблаш машиналари (ЭХМ) учун дастур.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва қўлланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва талаб юқорилиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари аниқланган, объект ва предметга тавсиф берилган, тадқиқотнинг Республика илм-фан ва технологиясининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилик ва тадқиқот натижалари ифодаланган, олинган натижаларнинг илмий

ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бирламчи диссеминацияланган сут бези саратонида скелет суякларининг шикастланиши ҳолатида ташхис ва даволашнинг замонавий ҳолати (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган **биринчи бобида** муаммонинг долзарблиги таҳлил этилган бўлиб, бу таҳлил замонавий статистик ва эпидемиологик маълумотларга асосланган. Бирламчи диссеминацияланган сут бези саратонида скелет суяклари шикастланиши кўп ҳолларда айнан ташхис қўйиш пайтидаёқ аниқланиши таъкидланган. Ёш, жинс ва ҳудудий хусусиятларга оид касалланиш кўрсаткичлари, шу жумладан Ўзбекистон бўйича маълумотлар келтирилган. Ўсманинг молекуляр-генетик хусусиятлари (BCL, P-53) ва подтиплари (ER, PR, HER2, Ki-67) ташхис ва даволаш усулини танлашдаги аҳамияти таҳлил қилинган. Иммуногистохимий таҳлил (ИГХ) ва FISH усули орқали диагнозни аниқлаш ҳамда прогнозни баҳолаш имкониятлари алоҳида таъкидланган. Скелет суякларидаги метастазларни аниқлашдаги замонавий визуализация усуллари — рентгенография, компьютер томографияси (КТ), магнит-резонанс томография (МРТ), позитрон-эмиссион томография-КТ (ПЭТ-КТ) ва сцинтиграфиянинг клиник аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, бирламчи диссеминацияланган сут бези саратонида замонавий даволаш ёндашувлари таҳлил қилинган: молекуляр подтипга қараб гормон, кимё, таргет ва иммунотерапия каби тизимли терапия турлари ҳамда суяк метастазларига қаратилган патогенетик терапия усуллари тавсифланган.

Диссертациянинг «**Клиник материалнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари**» деб номланган **иккинчи бобида** 2014–2024 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти филиалларида даволанган беморлар маълумотлари асосида, скелет суяклари шикастланиши билан кечувчи бирламчи диссеминацияланган сут бези саратони (БДСБС)нинг клинко-морфологик хусусиятлари ва даволаш усуллари таҳлил қилинган.

128 нафар бемордан 87 нафари (67,9%) Тошкент шаҳар филиалида, 41 нафари (32,0%) эса Тошкент вилояти филиалида даволанган. Беморлар ёши 28 ёшдан 76 ёшгача бўлиб, ўртача ёш 49,6 ёшни ташкил этган. Энг кўп беморлар 40–60 ёш оралиғида бўлган (78 нафар, 60,9%), энг кам сони эса 70 ёшдан катта беморларга тўғри келган (9 нафар, 7,0%).

46 нафар бемор (35,9%) касаллик аломатлари пайдо бўлганидан сўнг 6 ой ичида шифокорга мурожаат қилган, 29 нафар (22,6%) бир йил ичида, 53 нафар (41,1%) эса 1 йилдан 5 йилгача бўлган муддатда мурожаат қилган. Беморларнинг катта қисмида касалликнинг бошланғич белгилари сифатида сут безида шиш ва оғриқ (40,6%) ёки суяклардаги оғриқ (30,4%) кузатилган.

Ушбу шикоятлар билан 29 нафар бемор (22,6%) гинекологга, 10 нафар (7,8%) эндокринологга, 26 нафар (20,3%) кардиологга, 25 нафар (19,5%)

невропатологга ва 5 нафар (3,9%) жарроҳга мурожаат қилган. Шунингдек, 33 нафар бемор (25,7%) узоқ вақт шифокорга мурожаат қилмаган ва фақат симптоматик даволаниш билан чекланган.


Беморларнинг кўпчилиги (90,6%) тиббий муассасага мурожаат қилган пайтда умумий ҳолсизлик, иштаханинг йўқолиши ва вазн йўқотишдан шикоят қилган. Баъзи ҳолатларда кечиккан мурожаат ва бошланғич босқичда гинеколог, кардиолог, эндокринолог каби мутахассисларга нотўғри йўналтириш ҳолатлари қайд этилган.

59 нафар беморда (46%) ўнг сут бези, 63 нафарда (49,2%) чап сут бези, 6 нафарда (4,6%) эса икки томонлама шикастланиш кузатилган. Клиник шакллар орасида энг кўп учрагани — шиш-инфилтратив тури бўлиб, у 60,1% беморларда аниқланган; 81,2% ҳолатда органнинг диффуз шикастланиши қайд этилган. Беморларнинг 64,8%ида ўсма ўлчами 5–6 смга етган.

128 нафар БДСБС беморларидан 22 нафарида (17,1%) тугунсимон форма, 2 нафарида (1,5%) сарамассимон форма, 77 нафарида (60,1%) шиш-инфилтратив тури, 11 нафарида (8,5%) ўсманинг парчаланиши, 1 нафарда (0,7%) панцирсимон тури, 13 нафарда (10,1%) диффуз шакли ва 2 нафарда (1,5%) Педжет саратон шакли аниқланган. 128 беморнинг 104 нафарида (81,2%) органнинг диффуз шикастланиши мавжуд бўлиб, улар орасида энг кўп учрагани шиш-инфилтратив тури бўлган.

117 нафар беморда (91,4%) скелет суяқларига метастазлар шифохонага мурожаат вақтидаёқ аниқланган, 11 нафарда эса метастазлар неoadьювант терапия давомида қайд этилган. Босқичлар бўйича тақсимот: I – 2 бемор, II – 5, III – 4, T4N1M1 – 50 ҳолат. 92,2% ҳолатда регионар лимфа тугунларига метастазлар бўлиб, бу уларнинг касаллик ривожига ролини тасдиқлайди.

128 бемордан 118 нафарида (92,2%) сут безидаги ўсма маҳаллий тарқалган хусусиятга эга бўлган (лимфа тугунларига метастазлар: N1, N2, N3). Бу регионар лимфа тугунларига метастазлар бўлиши ўсманинг кейинчалик скелет суяқларига узоқ метастазлар билан кечишига туртки бериши мумкинлигини кўрсатади.



1-расм. Бирламчи диссеминацияланган сут беги саратони беморларининг гистологик тузилиши бўйича тақсимоги

Барча 128 беморда цитологик таҳлил ўтказилган: 103 нафарда (80,4%) саратон хужайралари, 20 нафарда (15,6%) эса хавфлилик аломатларига эга бўлган хужайралар аниқланган. БДСБС беморларининг гистологик тузилиши бўйича тақсимоги 1-расмда келтирилган.

Хавфлилик даражаси бўйича: ўсмаларнинг 44%и юқори даражада дифференциаллашган (G1), 31%и ўртача даражада дифференциаллашган (G2), 14%и паст даражада дифференциаллашган (G3), 11%и эса дифференциаллашмаган (G4) бўлган.

Нур текширув усуллари (МСКТ, МРТ, Whole body, сцинтиграфия, ПЭТ/КТ) маълумотларига кўра, барча 128 беморда скелет суякларига метастазлар аниқланган. Солитар шикастланиш 81 нафар (63,3%) беморда, кўплаб метастазлар эса 47 нафарда (36,7%) қайд этилган.

Метастазлар кўпроқ умуртқа поғонасида (31 бемор, 24,2%) жойлашган, нисбатан кам ҳолларда бош суяклари (2,3%), елка, тўш суяги, катта болдир суяги ва чанок суякларида (ҳар бири 0,7–2,2%) кузатилган. Скелет суякларининг бир нечта жойдаги комбинирланган шикастланиши 81 нафар (63,2%) беморда кузатилган. 32 нафар (25%) беморда патологик синиш ҳолатлари қайд этилган.

БДСБС беморларини текширишда қўлланилган усуллар 1-жадвалда келтирилган.

БДСБС беморларини текшириш усуллари

№	Текширув усули	Беморлар сони	%
1	Клиник кўрик	128	100%
2	Рентгенологик текширув	128	100%
3	Ультратовуш текширув	128	100%
4	Маммография	128	100%
5	МСКТ	92	71,8%
6	МРТ	116	90,6%
7	Скелет суякларини радиоизотоп текшируви	106	82,8%
8	WHOLE BODY	22	14,0%
9	ПЭТ/КТ	27	11,7%
10	Ўсма маркерлари	75	58,5%
11	Гистологик текширув	128	100%
12	Иммуногистохимик текширув	75	58,5%

Иммуногистохимиявий текширув натижасида ўсманинг куйидаги биологик субтиплари аниқланган: люминал А — 21 нафар беморда (16,4%), люминал В HER2/neu-позитив — 21 нафарда (16,4%), люминал В HER2/neu-негатив — 26 нафарда (20,3%), ҳамда уч карра манфий — 7 нафар беморда (5,4%) (2-расм).



2-расм. БДСБСнинг иммуногистохимиявий субтиплари

Барча 128 нафар беморда комплекс текширувдан сўнг даволаш бошланган: химия терапия, комбинирланган ва комплекс даво, гормонотерапия ва бисфосфонат терапия, нур терапияси ҳамда ўсманинг бирламчи ўчоғига жарроҳлик аралашуви, бу жараён ўсманинг тарқалганлик даражаси, гистологик ва иммуногистохимиявий кўрсаткичларга асосан амалга оширилган.

Скелет суяклари шикастланган БДСБС беморларини даволаш ўсма жараёнининг кенг тарқалганлиги туфайли тизимли хусусиятга эга бўлган. 23

нафар беморда (17,9%) даволаш CAF схемаси бўйича, 52 нафарда (40,6%) AC+PC схемаси бўйича, 21 нафарда (16,4%) эса AC схемаси бўйича бошланган. Қолган беморларда дотетаксел + адриамицин, паклитаксел + адриамицин, цисплатин + адриамицин + циклофосфамид ва герцептин қўлланилган (жами 10,1%). Гормонотерапия бисфосфонатлар билан биргаликда 8 нафар беморда (6,2%) ўтказилган.

Нур терапияси 34 нафар беморда (26,6%) турли режимларда қўлланган, асосан жарроҳликдан кейинги даврда ёки химия терапия билан бирга. 64 нафар беморда (50%) бирламчи ўчоққа жарроҳлик аралашуви амалга оширилган: 50 нафарда (36,6%) Мадден усули бўйича паллиатив-радикал мастэктомия, 3 нафарда Пейти усули, 1 нафарда Блохин усулида резекция, 2 нафарда Веронези усули, 2 нафарда секторал резекция ва 9 нафарда оддий мастэктомия амалга оширилган. Амалиётлар асосан 8–12 курс ХТдан сўнг, асоратлар (ўсманинг парчаланиши, қон кетиши) кузатилганда эса 4–6 курсдан сўнг бажарилган.

Беморлар 1 йилдан 8 йилгача кузатувда бўлган. Тизимли даволаш (ХТ, ГТ, БФТ) натижасида 89 беморда (69,5%) жараён барқарорлашган, 21 беморда (16,4%) қисман таъсир, 5 беморда (3,9%) прогрессия, 5 беморда (3,9%) тўлиқ регрессияга эришилган. 24 беморда (18,7%) рецидив, 52 беморда (40,6%) прогрессия кузатилган. Шу билан бирга, 15 беморда (11,7%) жигарда, 2 беморда (1,5%) бош мияда, 35 беморда (27,3%) ўпкада метастазлар аниқланган.

Кузатув даври мобайнида 71 нафар бемор (55,5%) вафот этган, 57 нафар бемор (44,5%) метастаз белгилари билан ҳаётда қолган.

Диссертациянинг **«Бирламчи диссеминацияланган сут беги саратонини ташхислаш»** деб номланган **учинчи бобида** касалликнинг клиник-инструментал, морфологик ва иммуногистохимиявий хусусиятлари баён этилган бўлиб, асосий эътибор скелет суякларидаги метастазларни визуализация қилиш усуллари ва ўсманинг хавфлилиги даражасини аниқлашга қаратилган.

Ташхислашда бир неча нурли визуализация усуллари комплекси қўлланган: маммография (128 бемор), УТТ (125), МСКТ (65), МРТ (100), сцинтиграфия (112), Whole Body МРТ (33) ва ПЭТ/КТ (27). Скелет метастазларини аниқлашда энг юқори сезувчанлик ва аниқлик сцинтиграфия (94,6% ва 94,9%) ва ПЭТ/КТ (96% ва 96,5%) усулларида қайд этилган.

Сут безларининг УТТ орқали текширувида 117 нафар беморда (92,4%) ўсмали тузилма аниқланган. Маммография барча беморларга ўтказилган: 56,3% ҳолатда BI-RADS 5 хулосаси, 31,2% ҳолатда — BI-RADS 4 қайд этилган. Маммографиянинг сезувчанлиги 81,8%, аниқлиги — 87,5% ни ташкил этган.

Иммуногистохимиявий текширув 75 нафар (58,5%) беморда амалга оширилган: люминал А субтипи 19,5%, люминал В — 33,5%, уч карра манфий субтип — 5,4% беморларда аниқланган. Люминал В субтип ичида HER2/neu-позитив вариант 22,6% беморларда қайд этилган.

Скелет суяқларининг рентгенографияси 106 нафар беморда ўтказилган; уларнинг аксариятида процесс тарқалишини аниқлаш ва динамикани баҳолаш мақсадида қўшимча равишда сцинтиграфия, МРТ, МСКТ, Whole Body ва ПЭТ/КТ қўлланган. Метастазлар табиати қуйидагича бўлган: 11 нафарда (8,6%) — солитар, 36 нафарда (28,1%) — якка, 81 нафарда (63,3%) — кўп сонли. Метастазлар кўпроқ умуртқа поғонасида (24,2%), тос суяқларида (4,7%), бош суяқлари ва узун найсимон суяқларда жойлашган. 34 нафар (26,6%) беморда метастазлар даволаш жараёнида аниқланган.

112 нафар (87,5%) беморда сцинтиграфия асосий ташхис усули бўлган; улардан 105 нафарида бу усул МРТ ва МСКТ билан биргаликда қўлланган. Сцинтиграфия юқори маълумотли усул сифатида ўзини намоён қилган, айниқса скелет, хусусан, умуртқа ва тос суяқларининг кўп сонли шикастланишларида.

Жадвалда кўрсатилганидек, БДСБС бўлган беморларда скелет суяқларидаги метастазларни аниқлашда қўлланилган турли радиологик усулларнинг маълумотлилиқ даражаси турлича бўлган. Умуман, суяқлар сцинтиграфияси ва ПЭТ/КТ энг юқори сезувчанлик, спецификлик ва ташхис аниқлиги кўрсаткичларини намоён қилган. Шу билан бирга, МРТ ва Whole Body сканерлашда нисбатан пастроқ спецификлик ва аниқлик қайд этилган.

65 нафар беморда МСКТ орқали скелет суяқларидаги метастазларни аниқлаш самарадорлигини таҳлил қилиш сезувчанлик 90,1%, спецификлик — 75% ва аниқлик — 93,8% эканини кўрсатди. Ушбу усул найсимон суяқлар, тос ва умуртқа поғонаси шикастланишларида айниқса юқори информативликка эга бўлган.

2-жадвал

Скелет суяқлари шикастланган БДСБСда нурли ташхис усулларининг маълумотлилиқ даражаси

Ташхислаш усуллари	Беморлар сони	Сезгирлик %	Спецификлик %	Аниқлик %
Маммография	128	81,8	71,4	87,5
Скелет суяқлари сцинтиграфияси	112	94,6	90,0	94,9
Суяқлар МСКТси	65	90,1	75,0	93,8
Суяқлар МРТси	100	94,5	66,7	88,8
МРТ Whole body	33	88,9	66,6	90,9
ПЭТ/КТ	27	96,0	90,0	96,5

МРТ 100 нафар беморда ўтказилган. Сезувчанлик — 94,5%, спецификлик — 66,7%, аниқлик — 88,8% ни ташкил этган. Умуртқа поғонаси ва тос суяқларидаги шикастланишлар ҳолатида юқори маълумотлилиқ қайд этилган.

Whole body-сканерлаш 33 нафар беморда ўтказилган бўлиб, сезувчанлик — 88,9%, спецификлик — 66,6%, аниқлик — 90,9% ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичлар бошқа визуализация усулларига нисбатан пастроқ бўлган.

ПЭТ/КТ 27 нафар беморда қўлланган ва юқори самарадорлик намоён этган: сезувчанлик — 96%, спецификлик — 90%, аниқлик — 96,5%. SUV тах кўрсаткичи 3,25 дан 13,56 гача бўлган. Айниқса кўплаб метастазлар билан кечувчи умуртқа ва тос суякларига юқори маълумотлилиқ қайд этилган.

Прогностик иммуногистохимиявий маркёрларни баҳолаш учун 40 нафар БДСБС бемор танлаб олинган, уларнинг 20 нафарида жарроҳлик амалиёти ўтказилган, қолган 20 нафарида эса йўқ. Барча беморларда p53 ва Vcl-2 экспрессияси бўйича иммуногистохимиявий таҳлил ўтказилган.

Жарроҳлик қилинган беморларда p53 бўйича қуйидаги натижалар қайд этилган: паст позитив реакция — 8 нафарда (40%), ўртача — 10 нафарда (50%), юқори — 2 нафарда (10%). Vcl-2 экспрессияси: паст позитив — 10 нафар (50%), ўртача — 3 нафар (15%), юқори — 1 нафар (5%), манфий — 6 нафар (30%).


Жарроҳлик қилинмаган беморларда p53 экспрессияси анча юқори бўлиб, 14 нафарда (70%) юқори позитив реакция қайд этилган. Vcl-2 экспрессияси эса асосан юқори шаклда намоён бўлган — 12 нафарда (60%).

Қиёсий таҳлил натижаларига кўра, жарроҳлик ўтказилмаган беморларда p53 кўрсаткичлари юқори ва Vcl-2 кўрсаткичлари паст бўлган, бу эса касалликнинг агрессив кечиши ва метастатик потенциалнинг юқорилигидан далолат беради.

Диссертациянинг «Скелет суякларига метастаз берган бирламчи диссеминацияланган сут беги саратонини даволаш усуллари» деб номланган **тўртинчи бобида** БДСБСни скелет суякларига метастазланган ҳолда даволаш усуллари ва уларнинг натижалари кўриб чиқилган.

Ташхис қўйилгандан сўнг 58 нафар (45,3%) беморга химия терапия, 28 нафарга (21,8%) комбинирланган даво, 29 нафарга (22,6%) эса комплекс даво ўтказилган. Химия-нур терапияси 3 нафар (2,2%) беморга, монокимиотерапия (МХТ) — 2 нафарга (1,5%), симптоматик терапия — 8 нафарга (6,2%) қўлланган. 34 нафар беморда паллиатив нур терапияси ўтказилган.


Сут беги саратонини даволаш стандартларига мувофиқ, асосий даво усули сифатида химия терапия қўлланган. Қўлланган асосий схемалар FAC, AC, DA, CAP ва PA бўлган. Химия терапия аввалги босқичда CAF, FAC, AC схемаларида 4–6 курсда, кейинги босқичда эса паклитаксел, карбоплатин, доцетаксел, доксорубицин, цисплатин, циклофосфан препаратлари билан амалга оширилган. HER2/neu ижобий ҳолатларда беморларга трастузумаб (герцептин) тавсия этилган.



3-расм. Скелет суяклари шикастланган БДСБСда қўлланган даволаш усуллари

Барча 128 нафар беморда скелет шохобчаларидаги метастазлар аниқлангандан сўнг, химия терапия билан бирга бисфосфонат терапия ҳам олиб борилган. Бисфосфонат сифатида золедрон кислотаси (Зомета) 4 мг дозада, 28 кунда 1 марта томир ичига инфузия тариқасида 6 ойдан 2 йилгача қўлланган. Жараёнда прогрессия қайд этилган беморларда препарат деносумабга (120 мг, ойига 1 марта тери остига) алмаштирилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг №351 ва №273-сонли буйруқлари билан тасдиқланган стандарт схемага нисбатан, БДСБСни даволаш индивидуал ёндашув асосида амалга оширилган — яъни неoadъювант химия терапия, гормонотерапия (тамоксифен, летрозол, анастрозол), нур терапияси ва бисфосфонат терапиясига жавоб реакцияси, шунингдек жарроҳлик аралашувини амалга ошириш имконияти инобатга олинган. 8 нафар беморда химиотерапия учун қарши кўрсатмалар мавжуд бўлгани ёки ўсма жараёни жуда кенг тарқалгани сабабли, фақатгина гормонотерапия ва бисфосфонат терапия қўлланилган.



- Мадден усулида РМЭ - 47
- Блохин усулида радикал резекция-1
- Веронез усулида радикал резекция - 2
- Секторал резекция - 2
- Пейти усулида РМЭ - 3
- Паллиатив мастэктомия - 9

4-расм. Скелет суяклари шикастланган БДСБСда амалга оширилган жарроҳлик аралашувлари турлари

Даволаш самарадорлиги RECIST мезонлари асосида баҳоланган бўлиб, клиник, рентгенологик, УТТ, сцинтиграфия, МСКТ, МРТ ва ПЭТ/КТ тадқиқотлари қўлланган. Назорат текширувлари даволаш бошланганидан 6 ой ўтиб ўтказилган. Комплекс ёндашув натижасида тўлиқ эффект 5 нафар беморда (3,9%), қисман эффект — 21 нафарда (16,4%), стабилизация — 89 нафарда (69,5%), прогрессия — 5 нафарда (3,9%) аниқланган.

Бирламчи ўчоққа жарроҳлик аралашуви комплекс даволаш бошланганидан 1 йил ўтгандан сўнг, прогрессия белгилари мавжуд бўлмаган ҳолатларда консилиум қарори асосида амалга оширилган.

Неoadъювант даволашдан сўнг умумий ҳолатда яхшиланиш 108 нафар беморда (84,3%) кузатилган, ўзгаришсиз ҳолат — 9 нафарда (7,0%), ҳолат оғирлашиши — 6 нафарда (4,6%) қайд этилган. Оғриқ синдроми 114 нафар беморда (98,0%) сезиларли даражада камайган.

Химиотерапидан кейинги ножўя ҳолатлар 94 нафар беморда (73,4%) қайд этилган: асосан гастроинтестинал бузилишлар, кам ҳолларда — гематологик (7,0%), гепато- ва нефротоксик (4,6%), терини зарарловчи (3,1%) ва аллергик (0,7%) реакциялар кузатилган.

